

Абдулла Қодирий номидаги ижод мактаби иқтидорли ўқувчилари институтимизга ташриф буюришди

Бу сафар ўқувчилар Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтидан. Пойтахтимиз Тошкент шаҳрида жойлашган Абдулла Қодирий номидаги ижод мактаби иқтидорли ўқувчилари институтимизга ташриф буюришди. Ташриф давомида институтимиз бинолари, яратилган шароитлар, ахборот-ресурс маркази, аудиториялар, жамоат ташкилотлари хоналари билан яқиндан танишишди. Ўқувчилар институт ҳақида саволлар бериб, ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олишди. Шундан сўнг, ўқувчилар институтимизда ташкил этилган маънавий-маърифий тадбирга таклиф этилди. Мактаб директори билан бирга тадбирда иштирок этишиб, ўзларининг ижодий чиқишлиарини намойиш этишди. Ҳамкорликдаги фаолият давом эттирилади. Ёшлар-Келажак бунёдкоридир. Эслатиб ўтамиз, аввалроқ институт раҳбарияти ҳамда факултет раҳбариятлари, фаол талабалар билан биргаликда ушбу янги бунёд этилган мактаб шароитлари, ўқувчилар билан танишиш мақсадида ташриф буюришган эди.



ТИҚХММИ матбуот хизмати